
Туман ҳокими мактабда дарс ўтди

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш юзасидан 31 октябрь куни тумандаги 905 ўринли 26-умумтаълим мактабида “Биз ёшлар беш муҳим ташаббус атрофида бирлашамиз” шиори остида тадбир ташкил этилди.

Тадбирда туман ҳокими Қахрамонжон Джураев, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона вилоят Кенгаши раиси Аҳаджон Акбаров, тақлиф этилган мутассадди ташкилот, муассасалар ҳамда жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар ва спортчи ёшлар иштирок этди.

Тадбир доирасида туман ҳокими Қахрамонжон Джураев мактабнинг 10-синф ўқувчилари учун “Мувафақиятга эришиш сирлари” мавзусида маҳорат дарсини ўтиб, туманда амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берди.





Шунингдек, туман ҳокими дарс давомида ёшларга Ватанни севиш, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчига айланиши, бугунги ёшлар-мамлакат тараққиётининг эртанги келажаги, бугунги ислохотларнинг ҳақиқий давомчилари бўлишлари лозимлиги, бу мақсадларга эришиш учун эса албатта ўқувчилар кучли билимга эга бўлиши, юксак одоб-ахлоқ, тарбия билан камолга етиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ўқувчилар ўтилган дарсдан нафақат зарурий маълумотларга эга бўлишди, балки туман ҳоқимига ўзларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат этишди.

Мактабдаги тикувчилик тўғараги фаолиятини янада кенгайтириш ва ёш ўқувчи қизларни мазкур тўғаракка кенгроқ жалб қилиш мақсадида туман ҳоқимлиги томонидан тўғаракка тикув машинаси совға қилинди.

5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш бўйича мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган кўргазмалар, ижодий ишлар, спортчи ёшларнинг чиқишлари намойиш этилди.





Мақтаб сардорлари томонидан намоиш этилган бадий дaстур ҳамда ҳарбийларнинг ёшларни ватанпарварлик руҳини янада жўш урдирувчи турли чиқишлари тадбир иштирокчиларига катта завқ бағишлади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2019-11-01 10:51:27